

Очликдан ўлган миллиардер



10:00 / 20.02.2022 5119

Ливаннинг энг бой кишиларидан бири бўлган Эмил Бустоний пойтахт Байрутнинг энг сўлим минтақасида ўзи учун қабр қаздирган эди. Бир куни шахсий самолётида парвоз қилиб кетаётганда, самолёт денгизга қулайди. Унинг жасадини топиш учун миллионларни сарф этишади. Аммо жасадни топа олишмайди. Самолёт топилади, бироқ жасад топилмайди. Шундай қилиб, Бустонийни ўзи учун қаздирган қабрга кўма олмадилар.

Бир оила бор. Ротшилдлар оиласи. Банк соҳасида кўп мамлакатларда фаолият юритадиган оила. Оиланинг вакилларидан бири олис бир ҳудудда сарой қурдиради. У ерда улкан хазина бунёд этади, ичига ёқут, зумрад, марварид ва ноёб қимматбаҳо тошларни жойлаштиради. Ротшилд шу даражада пулдор эдики, баъзан ҳукуматга қарз бериб турарди. Ўша одам бойликлари ёнида бўлмаса, таом ейишни ёқтирмасди. Шу боис жавоҳирлар ёнида овқатланарди. У бир неча кун хазина ёнида қолар, сўнг оиласи олдига қайтиб, бу сирини ҳеч кимга айтмас эди. Хазина ёнида бир неча кун қолиб кетганда, оила аъзолари уни сафарга кетди деб ўйлашарди. Бир марта у хазинасига бордию, ҳеч қачон қайтиб келмади. Уни топишга бўлган уринишларнинг бари бесамар кетди.

У хазинаси жойлашган қасрга кириб, эшикни ёпиб, марваридлар олдида овқатланиб бўлгач, ташқарига чиқмоқчи бўлганда, калит ташқарида қолиб

кетганини эслайди. Айтишларича, эшик фақат ташқаридан очиб, беркитилар экан. Хуллас, бор овози билан қичқиради, аммо уни ҳеч бир инсон эшитмайди. Ротшилд бино ичида бир неча ҳафта қолиб кетади. У ўлими олдидан «Дунёдаги энг бой одамлардан бири очликдан ўлмоқда» деган ёзув қолдиради.

«Мол-дунё билан ҳамма нарса қилса бўлади» деб ўйлайдиганлар бу ҳикоялардан ўзларига ибрат олсалар деган умиддамиз.

Шундай бой кимсалар борки, касаллиги сабабли кўплаб таомларни ейишдан маҳрум. Шундай пулдорлар борки, фарзандлари йўқ, баъзилари жуда оғир касалликка чалинган. Улар пулларига ўзлари йўқотган нарсаларни, масалан, саломатлик, фарзанд ва ҳоказоларни сотиб ололмайдилар.

Сўзимизни икки оят ва икки ҳадис билан якунлаймиз.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

يُرَدِّدُكُمْ إِلَىٰ أُمَّهَاتِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١٠١﴾
يُرَدِّدُكُمْ إِلَىٰ أُمَّهَاتِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١٠٢﴾

«Албатта, Соат илми ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридадир. Ёмғирни У ёғдирур. Бачадонлардаги нарсани ҳам У билур. Ҳеч бир жон эртага нима касб қилишини билмас. Ҳеч бир жон қайси ерда ўлишини ҳам билмас. Албатта, Аллоҳ ўта билувчидир, ўта хабардордир» (Луқмон сураси, 34-оят)

رُحِمْنَا بِمَا كُفَرْنَا بِهِ وَخَوَّفْنَا بِمَا كُفَرْنَا بِهِ ۗ وَالْحَقُّ لِلَّهِ ﴿١٠٣﴾

«Ва сизга берилган нарсалар бу дунёнинг матоҳи ва зийнати, холос. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқ ва боқийроқдир. Ақл юритмайсизларми?» (Қосос сураси, 60-ояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи вассалам: «Динор ва дирҳам, қатийфа ва хомийса бандаси бадбахт бўлди. Унга берилса рози бўлади. Берилмаса норози бўлади», дедилар».

Қатийфа-чизиқлари бор ёпинчиқ. Хомийса-қора, тўртбурчак кийим. Пулга қул бўлган банда бадбахтдир. Чунки у пулнинг айтганини қилиб яшайди. Кийим кечакка қул бўлган банда бадбахтдир. Чунки у кийим кечакнинг айтганини қилиб яшайди. Улар эса бандага ҳеч қачон яхшилиқни айтмайди. У фақат ўзига динор ва дирҳам берилса рози бўлади. У фақат ўзига қатийфа ва хомийса берилса рози бўлади. Акс ҳолда норози бўлиб ўтади. Бу эса унинг бадбахтлигининг аломатидир.

Мутаррифдан, у ўз отаси розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У Набий соллаллоҳу алайҳи вассаламнинг ҳузурларига етиб борганда у зот:

«Сизларни кимники кўп демоқлик машғул қилди. Одам боласи «молим, молим» дейди. Сенинг молингдан фақатгина садақа қилиб ўтказганинг, еб битирганинг ва кийиб чиритганинг ўзиники холос», демоқда эканлар».

Термизий ва Муслим ривоят қилишган.

Аллоҳ таоло бизни мол-дунёга муккасидан кетмай, ўлимга тайёргарлик кўриб яшайдиган ва охиратни унутмайдиган бандаларидан қилсин!

Роббимиз барчамизни Ўзининг ҳидоятдан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Фойдаланилган манбалар

Islom.uz

Quran.ksu.edu.sa

albayan.ae

albhire.com

facebook.com

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади